

ХАМРОҚУЛОВ Жалолiddин Хайдарович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тадқиқотчиси

БАЙҚУНИЙ “АЛ-МАНЗУМА” АСАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ТАДҚИҚИ

ИСТОЧНИКОВЕДЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ТРУДА БАЙКУНИ «АЛЬ-МАНЗУМА»

SOURCE STUDY OF THE LABOR OF BAYKUNI «AL-MANZUMA»

Аннотация: Мазкур мақолада Тоҳа Муҳаммад ибн Байқунининг “Манзумату-л-Байқуний” асарининг манбашунослик тадқиқи амалга оширилган. Бунда Саудия Арабистониг Ар-Риёд университетининг қўлғамалар бўлимида 213-рақам остида сақланаётган нусха асос қилиб олинди. Таҳлил жараёнида асарнинг котиби, ёзилган йили, сақланиш ҳолати, асарнинг умумий ҳажми ва ҳар бир саҳифадаги сатрлар қатори, хат тури каби маълумотлар батафсил ёритиб берилган.

Калит сўз: Байқуний, Манзума, ҳадис, мусталаҳу-л-ҳадис, қўлғам, саҳиҳ, заиф, мавзу, муқова, сатр, саҳифа.

Аннотация: В данной статье проведены источниковедческие исследования произведения Тоха Мухаммада ибн Байкуни «Манзумату-л-Байкуни». Это было основано на копии, хранящейся под номером 213 в отделе рукописей Эр-Риядского университета Саудовской Аравии. В ходе анализа подробно разъясняются такие сведения, как автор произведения, год написания, состояние сохранности, общий объем произведения, количество строк на каждой странице, тип письма.

Ключевое слово: Байкуни, Манзума, хадис, мусталаҳу-л-ҳадис, рукопись, саҳиҳ, заиф, мавзу, обложка, строка, страница.

Annotation: In this article, source studies of the work of Tokh Muhammad ibn Baykuni «Manzumatu-l-Baykuni» are carried out. This was based on a copy kept at number 213 in the Manuscripts Department of the Riyadh University of Saudi Arabia. The analysis explains in detail such information as the author of the work, the year of writing, the state of conservation, the total volume of the work, the number of lines on each page, the type of letter.

Keyword: Baikuni, Manzuma, hadith, mustalahu-l-hadith, manuscript, sahih, zaif, mawzu, cover, line, page.

Ўзбекистон қадимдан дунёнинг маърифат ва маънавият ривожланган минтақаларидан бири ҳисобланган. Унинг тарихи ва мамлакат қўлғам фондларида сақланаётган юз минглаб асарлар бир томондан аجدодларнинг нақадар илмга аҳамият қаратганларидан далолат қилса, иккинчи жиҳатдан ушбу минтақадан олимларнинг қўплаб етишиб чиққанига гувоҳлик беради. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида барча илм соҳалари ривожлангани каби ҳадис илмига оид асарлар таълиф этиш анъанаси ҳам қадимдан шаклланган. Улар қаторида мусталаҳу-л-ҳадис илмига оид яна бир муҳим манба Тоҳа ибн Муҳаммад Байқунининг “Манзумату-л-Байқуний” асаридир. Мазкур асар шеърӣ услубда ёзилган.

Манзумату-л-Байқуния (المنظومة البيقونية) асари мусталаҳу-л-ҳадис илми бўйича ёзилган энг нодир манбалардан биридир. Муаллиф мусталаҳу-л-ҳадис илмидаги энг зарурий истилоҳларни шерӣ шаклда ёд олишга қулай ҳолатда ўттиз тўрт байтдан иборат ҳолда бир асарга жамлаган [11:1-8.].

Ҳар бир илмда бўлгани каби мусталаҳу-л-ҳадис илмида ҳам ўзига хос атамалар, таъриф ва тушунчалар мавжуд бўлиб, уларни яхшилаб тушуниб олиш бу илмнинг қоида ва меъёрларини ҳамда ундаги нозик сирларни англаб етишга ёрдам беради. Чунки бу истилоҳлар, таъриф ва тушунчалар мусталаҳу-л-ҳадис илмини ўрганиш давомида тез-тез ва қўп такрорланадиган ҳамда бу илмни ўрганаётганлар тушуниб етиши лозим бўлган таърифлардир.

Ҳар бир илм соҳасида уламолар томонидан суяниладиган машҳур матнлар борлиги каби айнан Манзумату-л-Байқуния (المنظومة البيقونية) мусталаҳу-л-ҳадис илмидаги ишончли ноёб манба ҳисобланади. Турли даврларда бир қатор олимлар томонидан бу асарга шарҳлар битилган.

Асар муаллифи Умар (ёки Тоҳа) ибн Муҳаммад ибн Футуҳ Байқуний Димашқий Шофеъӣй (عمر (أو طه) بن محمد بن فتوح البيقوني الدمشقي الشافعي) бўлиб, муаллифнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. Умар (Тоҳа) ибн Муҳаммад Байқунининг мусталаҳу-л-ҳадис илмида машҳур олимлардан бўлганини унинг Манзумату-л-Байқуния асаридан ҳам билиб олиш мумкин.

Манзуматул Байқуния асарининг кодикологик таҳлили:

1. Тадқиқ этилаётган манбанинг муаллифи – Умар (Тоҳа) ибн Муҳаммад ибн Футуҳ Байқунӣ Димашқӣ Шофеъӣ (عمر (أو طه) بن محمد بن فتوح البيقوني الدمشقي الشافعي) бўлиб, 1600-йилда яни XVII аср бошида таваллуд топган. Ҳижрий 1080-йили (милодий 1669) йил атрофида Дамашқда вафот этган[14:32.]. Муаллифнинг нисбасидан ҳам кўриниб турибдики у Шофеъӣ мазҳабида бўлган ва Дамашқ шаҳрида истикомат қилган. Тахминан ҳижрий 1080-йилдан кейин Дамашқда вафот этган[12:18.].

2. Зарқонӣ Манзумату-л-Байқунияга ёзган шарҳининг охирида айнан бу асарнинг муаллифи ҳақида ёзар экан “Байқунӣ ҳақида унинг таржимаи ҳоли ва нисбаси ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди”, – деган.

3. Бадриддин Ҳасаний Манзумату-л-Байқунияга ёзган шарҳининг охирида Байқунӣнинг нисбасини жой номига яъни ҳозирги Озарбайжон қишлоқларидан бири “Байқун”га боғлиқ деган фикрни келтиради[9:328.].

4. Манзуматул Байқуния асари мусталаҳу-л-ҳадис илмида жуда ҳам машҳур асар бўлиб кўп олимлар томонидан унга бир қатор шарҳлар битилган. Булар орасида:

Саъд Алҳамид (سعد بن عبد الله الحميد);

Муҳаммад Зарқони (محمد بن عبد الباقي الزرقاني);

Абдуллоҳ Сироҷиддин (عبدالله سراج الدين)

Ҳасан бин Муҳаммад Ал-Машот (حسن بن محمد بن عباس بن علي بن عبد الواحد بن عباس المشاط المالكي); нинг Манзумату-л-Байқуния (المنظومة البيقونية) га ёзган шарҳи алоҳида аҳамият касб этади.

5. Шориҳларнинг барчаси муаллиф ҳақида деярли тўлиқ маълумот бермаган. Муаллифнинг исми ҳақида ҳам икки хиллик бўлиб баъзи шарҳларда Тоҳа (طه) деб зикр қилинса бошқаларида Умар (عمر) шаклида келтирилади.

6. Манзумату-л-Байқуния асари муаллиф ҳаётлик даврида яъни XVII аср иккинчи ярмида Дамашқда ёзилган. Бу даврда Дамашқ Усмонийлар империясининг марказий шаҳарларидан бири бўлиб, илм-фан тараққий этган ҳудудлардан бири эди.

7. Ҳозирга келиб асл манбанинг кўчирма нусхаси мавжуд бўлиб, бу Саудия Арабистонинг Ар-Риёз университети қўлғамалар бўлимидаги нусхаси ҳисобланади.

8. Мазкур таҳлил Ар-Риёз университети қўлғамалар бўлимидаги асл манбадан кўчирилган нусхаси бўйича таҳлил амалга оширилди.

9. Бу нусха Ар-Риёз университети қўлғамалар бўлимида 213-рақам остида сақланади. Кўчирилган йили ва кўчирган хаттотнинг исми номаълум[11:1-8.].

10. Тадқиқ этилиётган қўлғам мусталаҳу-л-ҳадис илмига тегишли бўлиб, ҳозирги давргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу илм соҳаси бўйича мазкур йўналишда ёзилган шох асарлардан бири ҳисобланади.

11. Қўлғам жуда яхши ҳолатда сақланган бўлиб унинг вароқлари ёки муқовасида ҳеч қандай камчиликлар учрамайди. Матн ҳам тўлиқ сақланган бўлиб унда тушуриб қолдирилган ёки ўчиб кетган ўринлари учрамайди. Матн манбанинг иккинчи саҳифасидан бошланади ва то асар охиригача яъни 12 саҳифагача давом этади.

12. Қўлғам асар насхи мушкул хатида битилган бўлиб бу хат тури V ҳижрий аср охирида Шомда пайдо бўлган. Унга кўра асосан саҳифалар ёзилган. Хатнинг қоидалари Ибн Муқилла томонидан тузиб чиқилган. Насхда бир текисда ёзиш имкони кенг бўлиб, харфлари энгил, эгилувчан доирасимон, ҳажмлари чегараланган ва қалам ҳажми кичиклиги билан бошқалардан ажралиб туради[11:1-8.]. Хат тури, Қуръон, ҳадис ва фикҳий асарлар кўчирилган қўлғамаларда кўп учрайди. Албатта, бунинг асосий сабаби унинг осон ўқилишида бўлиши мумкин. Насх хати Аббосийлар бошқаруви даврида оммалашди. Айниқса, Маъмун бошқаруви (813-833) даврида ўзгача шакллар билан безатилиб, “муҳаққақ” (аниқ, ишонарли) номи билан машҳур бўлди.

13. Қўлғам манба умумий 6 вароқ, 12 саҳифадан ташкил топган. Саҳифалар тўлиқ ҳолатида сақланган, у ҳозирги кунга қадар ҳеч қандай камчиликларсиз етиб келган.

14. Бир саҳифада матн 7 қатордан ёзилган бўлиб, матн шеърий шаклда берилган. Шарк китобат ишида насрий асарлар матни одатда саҳифада сифирға (устунларга) ажратилмай жойлашади. Шеърий асарларни саҳифада бир неча устундан иборат қилиб ёзилади. Маснавий (достон)ларни икки (икки устунли камдан-кам учрайди), тўрт, олти (улар кенг тарқалган) ва ҳатто саккиз устунли қилиб жойлаштирилиши учрайди. Бироқ, бу усул китобат ишига зид ҳисобланади, тажрибали хаттотлар ҳеч қачон матнни устунли қилиб кўчиришмайди. Чунки, матнни уч устунли қилиб ёзиш асарни ўқишда ноқулайлик туғдиради, байтларнинг қофия ва радифларида оҳангдорлик, мусиқийлик

содир бўлмайди. Матнни жуфт устунли қилиб жойлаштириш асар ўқилишини енгиллаштириш билан бирга, вазн, қофия ва радифдаги оҳангдорликнинг изчил давом этишини таъминлайди.

15.Тадқиқ этилаётган манбада ишлатилган қоғоз тури номаълум бўлсада, лекин айтиб ўтиш керакки муаллиф даври ундан кейин яъни нусха кўчирилган даврда ҳам Арабистон ярим ороли ҳамда Яқин Шарқда Усманийлар империясида ишлаб чиқариладиган мойбўёкли (ватермаркед папер) анча кенг тарқалган бўлиб, ушбу даврда ёзилган ва кўчирилган кўплаб қўлёзма ва тошбосма асарларда айнан шу қоғоз туридан фойдаланилган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, асарнинг мазкур Ар-Риёз нусхасида ҳам айнан шу қоғоз туридан фойдалиниланган бўлиш эҳтимоли каттадир.

16.Қўлёзма манбадаги қоғоз ҳажми 15x21 бўлиб, қоғоз ўлчами бу матн ўлчами билан боғлиқ бўлган иш. Унга саҳифада матннинг жойлашиш ҳажми ҳам дейилади. Агар саҳифадаги матн жадвалга олинган бўлса, унинг ички қисми матн ўрни ҳисобланади. Полеографияда матн ўлчами бўйи энига сантиметр ҳисобида олинади. Матнларнинг сатрга кўра тақсимотини белгилашда, аввало, матннинг жойлаштирилишига аҳамият бериш лозим. Қўлёзма ва тошбосма асарлар, умуман ҳар қандай манба ва ҳужжатларнинг саҳифасидаги матннинг ҳар бир йўли бу – сатрдир. Сатр сўзи, асосан, насрий асарларнинг матнига нисбатан қўлланилади ва саҳифа устунларга ажратилмай, сидирга жойлаштирилади. Қўлёзма асарларда бир саҳифада матннинг 9 сатр (йўл)дан 20 сатр (йўл)гача жойланиши кўп учрайди. Бу қўлёзмада эса матн ҳар бир саҳифада 7 қатордан жойлаштирилган[11:1-8.].

17.Манбанинг муқоваси ҳақида тўлиқ маълумот топилмади, лекин Шарқ муқовасозлигидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, ҳар қандай китоб турини яхлит қилиб, бириктириб турувчи устки қисми муқова дейилади. Муқованинг устки томони қандай материалдан тайёрланишига қараб картон, чарм, мато, ёғоч муқовалар деб юритилади. Ичига қоғоз ёпиштирилмай, фақат чармдан тайёрланган муқовалар ҳам тез-тез учраб туради. Шарқ китобат ишида гоҳ-гоҳида ёғочдан қилинган муқоваларнинг учраб туриши кузатилади. Тадқиқ этилаётган мазкур қўлёзманинг муқоваси ҳам чармдан тайёрланган бўлиш эҳтимоли катта.

18.Муқовадаги саҳифаларнинг муқовага бирлаштирилган жойи – сарбанди ҳам бор; муқованинг юзидаги (юқори, ўрта, пастдаги) учта ўйма доира (баъзан тўртбурчак) нақшга – тамга дейилади. Лекин тамга бу тадқиқ қилинаётган қўлёзмада учрамайди.

19.Хат ёзиш учун ишлатиладиган рангли суюқлик моддаси бу – сиёҳдир. Ўтмишда ёзув хат-савод, хаттотлик ишларини олиб боришда асосан қора сиёҳдан фойдаланилган. Сиёҳнинг қизил (қирмизи) ранглиси асосан сарлавҳаларни ёзишда қўлланилган. Бошқа рангдаги, жумладан, оқ, зангори, кўк (яшил) каби сиёҳлардан камдан-кам фойдаланилган. Тадқиқ этилаётган мазкур қўлёзма ёзилишида ҳам айнан қора рангли сиёҳдан фойдаланилган. Фақат муқовада асарнинг номи ва муаллифининг исми сариқ рангли сиёҳда берилган бўлиб, манбанинг ичидаги барча ёзувларда яна қора рангли сиёҳдан фойдаланилган.

20.Қўлёзма асарда ҳеч қандай бадий безак ва ёки миниатура намуналари учрамайди. Бу – қўлёзманинг илмийлиги яъни мусталаҳу-л-ҳадис илмига бағишлангани ва саҳифалари сони озлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Маълумки бадий безак ва миниатуралар кўпроқ сарой учун тайёрланган қўлёзма нусхаларда ҳамда тарихий асарларда, шоирларнинг девонларида кўпроқ учрайди.

21.Тадқиқ этилаётган манбада дебоҳа мавжуд бўлиб, унда асарнинг номи ва муаллифининг исми ҳамда салавоту саломлар келтирилган, бундан ташқари айнан шу қисмда манбанинг Аллоҳ йўлида вақф қилингани ҳам қайд қилиб ўтилган[11:1-8.].

22.Шамса – қуёшни эслатувчи давра нақш. Ичи ва пештоқлари қуёшга ўхшатиб, тўртбурчак шаклда ишлов берилган нақш тури. Гумбаз остидаги давра безак ва унинг ички томонидир. Унинг шамсаи заркор, шамсаи хур каби турлари қўлёзма ва тошбосма китобларда кўп учрайди. Айнан Манзумату-л-Байқунианинг тадқиқ этаётган мазкур нусхасида эса шамса учрамайди.

23.Манбада пойғир ҳам тартиб рақамлари ҳам учрамайди. Балки ўзи жуда кичик ҳажмдаги асар бўлгани учун ҳам хаттот булардан фойдаланмаган бўлиши мумкин.

24.Қўлёзмада муҳр учрайди лекин бу кўчирилган даврда қўйилмаган балки кейинчалик қўйилган бўлиб, бу муҳр қўлёзма сақланадиган жой яъни Ар-Риёз университети қўлёзмалар бўлимининг муҳри ҳисобланади.

Мухр айлана шаклда бўлиб, иккинчи, бешинчи ва ўн биринчи саҳифларда қўйилган. Унда Махтутот Ал-Жамиа Ар-Риёз (مخططات الجامعة (الرياض) деган ёзув мавжуд[11:1-11.].

25.Қўлёзмада жомеъу-л-мутун ҳам учрамайди, фақат битта асардан ташкил топган манба ҳисобланади.

26.Қўлёзмада уни кўчирган хаттот номини, унинг кўчирилган даври, ҳомийси кабиларни учратилмади. Лекин муаллиф даврига яқин кўчирилгани ва анча яхши ҳолатда сақлангани маълум.

27.Манба бошланиш қисми одатий исломий қўлёзмалар каби басмала билан бошланади. Асар анъанага мувофиқ “Бисмиллаҳ” билан бошланиши Муҳаммад (с.а.в.)нинг “Аллоҳ исми билан бошланмаган ҳар бир иш кесикдир” мазмундаги ҳадисларига мувофиқ амалга оширилган. “Бисмиллаҳ”нинг фазилати ва унинг шарҳи тўғрисида турли даврларда қатор асарлар ёзилган. “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”ни айтиш илмий тилда “Тасмийя” ёки “Басмала” деб юритилади. Қўлёзма матнининг биринчи сатри Аллоҳга ҳамд ва юборилган набийларнинг афзали бўлган Муҳаммад (с.а.в.)га салавот айтиш билан бошлайман, дея бошланади[11:2.]. (ابدا بالحمد مصليا على محمد خير نبي) (ارسل).

28.Қўлёзмада калафон учрамайди. Матн эса Муҳаммад (с.а.в.) ҳамда у кишининг оилалари ва асҳобларига салавоту саломлар йўллаш билан ниҳоясига етади[11:11.]. (وصلى الله على سيدنا) (محمد وعلى آله وصحبه وسلم)

29.Қўлёзма матнида деярли ҳошиялар учрамайди. Лекин охириги саҳифанинг икки байти қўлёзмада ҳошия билан келтирилган.

(والكذب المختلق المسنوع على النبي فذلك الموضوع) - Тўқима ёлғонни Набий (с.а.в.)га нисбат берилгани (ўттиз иккинчиси) “Мавзу” дир дейилган байт устида (مرادف للكذب المختلق) дея сўзига шарҳланган бўлса ундан кейин эса (الموضوع) сўзига ҳам ҳошияда изоҳ берилган.

30.Қўлёзма манба умумий ўттиз тўрт байтдан иборат бўлиб, муаллиф илк бора мусталаҳу-л-ҳадис илми истилоҳларини назмий шаклда ўқувчига тушунарли қилиб баён этади. Манзумату-л-Байқуния (المنظومة البيقونية)нинг илм соҳасида ёзилган бошқа асарлардан асосий афзаллиги ҳам шундадир.

Хулоса ўрнида, “Манзумату-л-Байқуний” асарининг қўлёзма нусхаси яхши ҳолатда сақланган. Илмий изланишлар жараёнида қўлёзманинг Ар-Риёз фондидаги нусхасида

асарнинг ўзи алоҳида шаклда хаттот томонидан кўчирилган. Ушбу асар ҳадис илми, хусусан, мусталаҳу-л-ҳадис илми доирасида қўп мурожаат қилинадиган муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абдулкарим Хазир. Ал-Басту-л-Мустадиру фи шарҳи-л-Байқунияти. – Байрут: Дорул-кутубил-илмия, 2011.
2. Абу Муоз Торик ибн Авазаллоҳ ибн Муҳаммад. Шарҳу манзумату-л-Байқунияти фи илми-л-мусталаҳи-л-ҳадис. – Риёз: Дору-л-муғний, 2009. – 129 б.
3. Абу Сулаймон Мухтор ибн Арабий ибн Аҳмад ибн Аъмар ибн Омир Жазоирий Шинқитий. Ат-Тухфату-с-Сахуния фи изоҳи маъони-л-Байқунияти фи мусталаҳи-л-ҳадис. – Байрут: Дорубну Ҳазм. 2014.
4. Абу Ҳомид Муҳаммад Маккий ибн Алий Битовирий. Шарҳул-Манзуматул-Байқунияти фи мусталаҳил-ҳадиси. – Истанбул: Дору-л-ҳадиси-л-китобия, 2019.
5. Алавий ибн Ҳомид ибн Ҳомид ибн Муҳаммад ибн Шихоб. Шарҳу манзумати-Байқуния. – Хазрамавт: Дор Ибн Шихоб, 2017.
6. Абулҳасан Мустафо ибн Исмоил Сулаймон Маърабий. Ал-Жавоҳиру-с-Сулаймония шарҳи манзумати-л-Байқуния. Қоҳира, – Дору-л-киён, 2006.
7. Маърабий. Ал-Жавоҳиру-с-Сулаймонияту шарҳу-л-Байқуния. – Риёз, Дору-л-киён, 2005.
8. Муҳаммад Аҳнош Ғиморий. Ал-Футуҳоту-л-ваҳабия би шарҳи-л-манзумати-л-Байқуния. – Уммон: Дору-н-нур, 2019.
9. Муҳаммад ибн Юсуф ибн Бадриддин Марокаший Дамашкий Бийбоний Ҳасаний. Ад-Дуру-л-Баҳияту фи шарҳи-л-манзумати-л-Байқуния. – Байрут, Дору-л-муқтабас, 2018.
10. Сулаймон ибн Холид ибн Носир Ҳарабий. Шарҳу-л-манзумати-л-Байқуния. – Риёз: Дору-л-минҳож, 2014.
11. Тоҳа ибн Муҳаммад Байқуний. Мутун-л-манзумату-л-Байқуний фи мусталаҳи-л-ҳадис. Қўлёзма. Ар-Риёз. Мактабату жамиату-р-риёз, № 213.
12. Умар ибн Муҳаммад ибн Фаттуҳ. Шарҳу-л-Манзумати-л-Байқуния. – Доғистон: Дору-р-рисола, 1953.
13. Шихобуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Бадирий Диметий. Сафватул-милаҳи би шарҳи манзумати-л-Байқунийи фи фанни-л-мусталаҳи. – Байрут, – Дору-н-Наводир. 2008.
14. Юсуф ибн Жавда Ясин Довудий. – Шарҳул манзумату-л-Байқуния. Дору-л-Андалус. 2015 й.